

2018

AL-MAWARDI'S WORK "AL-AHKAMAS-SULTANIYYA WA-L-WALAYAT ADDEENIYYA"—AS AN ESSENTIAL SOURCE ON THE HISTORY OF STATEHOOD IN THE MUSLIM WORLD

Zohidullo Munavvarov

International Islamic Academy of Uzbekistan, z.munavvarov@mail.ru

Ziyovuddin Jo'rayev

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, juraev741@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>

 Part of the [Islamic Studies Commons](#)

Recommended Citation

Munavvarov, Zohidullo and Jo'rayev, Ziyovuddin (2018) "AL-MAWARDI'S WORK "AL-AHKAMAS-SULTANIYYA WA-L-WALAYAT ADDEENIYYA"—AS AN ESSENTIAL SOURCE ON THE HISTORY OF STATEHOOD IN THE MUSLIM WORLD," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**МОВАРДИЙНИНГ “АЛ-АҲКОМ
АС-СУЛТОНИЙЯ ВА-Л-ВИЛАЁТ
АД-ДИНИЙЯ” АСАРИ – МУСУЛМОН
ШАРҚИ ДАВЛАТЧИЛИГИГА ОИД
МУҲИМ МАНБА**

**ПРОИЗВЕДЕНИЕ АЛ-МАВАРДИ «АЛ-
АХКАМ АС-СУЛТАНИЙЯ ВА-Л-ВАЛАЙАТ
АД-ДИНИЙЯ» – ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК
ПО ИСТОРИИ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ
МУСУЛЬМАНСКОГО ВОСТОКА**

**AL-MAWARDI'S WORK “AL-AHKAM
AS-SULTANIYYA WA-L-WALAYAT AD-
DEENIYYA” – AS AN ESSENTIAL SOURCE
ON THE HISTORY OF STATEHOOD IN THE
MUSLIM WORLD**

Калит сўзлар: фикҳ, давлатчилик, сиёсат, қози, вазир, қўлёзма, манба, тарих, танлов, ваколат.

Ключевые слова: фикх, государственность, политика, кади, рукопись, источник, история, выбор, полномочие.

Key words: fiqh, statehood, politics, qadiy, wa-zeer, manuscript, source, history, selection, competency.

Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Мовардий ал-Басрий ал-Бағдодий аш-Шофийий (973–1058 й.) X–XI асрларда илм-фан юксалишига катта ҳисса қўшган фақиҳ ва сиёсатчи бўлган. Басрадаги туркий аҳоли истиқомат қилган “Дарб аз-заъфарон” (Атиргулчилар маҳалласи)да ҳунарманд оиласида дунёга келган. Шу боис “Мовардий”, яъни “Тулоб тайёрловчи” деган тахаллус билан тарихга кирган. Илк таълимни отасидан олган, сўнгра Бағдоддаги “Байт ал-ҳикма”даги етук алломалар қўлида ўқиган. Кейинчалик унинг мударриси ва раиси сифатида ҳам фаолият юритган.

Юксак иқтидори туфайли ҳукмдорлар назарига тушиб, расмий давлат лавозимларида хизмат қилган. Жумладан, қози ал-қузот – бош қози ва вазир ал-вузаро – бош вазир мансабларида ишлаган. Ғазнавийлар, салжуқийлар, бувайҳийлар каби сулолалар ўртасидаги зиддиятларни сиёсий музокара-лар йўли билан ҳал этишга сезиларли ҳисса қўшган. Шунингдек, Мовардий катта илмий мерос қолдирган алломадир.

Олим ижодининг маҳсули бўлган асарларни уч туркумга бўлиш мумкин: диний-маънавий, ижти-

мой-сиёсий-ҳуқуқий, адабий-луғавий. Биринчи туркумга “Ал-икноъ фи-л-фикҳи аш-шофийий” (“Шофийий фикҳ бўйича қаноатлантирувчи [қўлланма]”), “Амсал ал-Қуръон” (“Қуръондан мисоллар”) ва бошқаларни, иккинчи туркумга – “Сиёсат ал-мулук” (“Подшоҳлар сиёсати”), “Ал-Визора” (“Вазирлик ҳақида”), “Адаб ал-вузаро” (“Вазирлар одоби”), “Қавонин ал-визора” (“Вазирлик қонунлари”), “Қавонин ал-визора ва сиёсат ал-мулук” (“Вазирлик қонунлари ва подшоҳлар сиёсати”), “Насиҳат ал-мулук” (“Подшоҳларга насиҳат”), “Адаб ал-қози” (“Қозилик одоби”) кабиларни, учинчиси-га – “Ал-Китабу фи-н-наҳви” (“Араб тили грамматикаси”), “Амсал ал-ҳикам” (“Ҳикматли масаллар”), “Адаб ад-дунё ва ад-дин” (“Дин ва дунё одоби”) сингари асарларни киритиш мумкин.

Мовардийнинг шоҳ асари “Ал-Аҳком ас-султанийя ва-л-вилоёт ад-динийя” (“Султонлик ҳукмлари ва диний бошқарув [қоидалари]”) деб номланиб, у асрлар давомида илмий жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Асарнинг қадимий қўлёзмалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти нодир қўлёзмалар фондида Р. № 7228/1 ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўта нодир китоблар ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизматининг Пв. № 63 рақамлари остида сақланмоқда. Уларнинг жаҳон кутубхоналарида сақланиб келинаётган, масалан, Ирландиядаги Честер Битти кутубхонасидаги № 4903 ва № 5085, Санкт-Петербургдаги № 6737 [1: 11, 301, 527], Туркиядаги № 377, № 378, № 379 [2: 155-156] қўлёзмалардан фарқли жиҳатлари бўлиб, бундай фарқлар кодикологик, мазмуний ва таркибий табиатга эга. Ўзбекистондаги қўлёзмалар ўзининг тўлиқлиги, гўзал хатда битилгани, қадимийлиги билан алоҳида қимматга эга.

“Аҳком”нинг турли тиллардаги нашрлари ва унга бағишланган манбашунослик тадқиқотларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчиси, Ғарб мамлакатларида амалга оширилган нашрлар, жумладан, Германия, Голландия, Франция, АҚШ ва Англия [3] нашрлари; иккинчиси, Шарқ мамлакатларида амалга оширилган нашрлар, жумладан, Жазоир, Туркия, Ҳиндистон ва Покистон, Миср, Ливан ва Кувайт [4] нашрлари.

Таркибий тузилишига кўра “Аҳком” 109 бўлимни ўзида мужассам этган 20 бобдан иборат. Улар қуйидаги мавзуларни қамраб олади: имомат – ҳукмдор, султонни танлаш, сайлаш усуллари ва шартлари; тақлид ал-визора – вазирликни ташкил этиш ва вазир этиб тайинланишдаги танлов шартлари; минтақаларда (ноиб) ҳокимиятни ташкил қилиш ва амир этиб тайинланишга оид танлов шартлари;

Мақолада Абулҳасан Мовардийнинг “Ал-Аҳком” номи машҳур асарида баён этилган мусулмон Шарқи давлатчилигига оид тизим кўриб чиқилган. Мазкур асарнинг ўрганилганлик даражаси аниқлаштирилиб, уни янада чуқурроқ тадқиқ этишнинг илмий-амалий зарурати асосланган.

В статье рассматриваются вопросы организации системы государственности на мусульманском Востоке, изложенные в знаменитом произведении Абу ал-Хасана ал-Маварди «ал-Ахкам». Определяется степень изученности данного труда, обосновывается научно-практическая целесообразность его дальнейшего углубленного изучения.

This paper examines issues of the organizing of the system of statehood in the Muslim world narrated in al-Mawardi's famous work “al-Ahkam”. It determines the extent of scientific publicity of this work, as well as necessity of the deepening of it's further scientific study.

ҳарбий-мудофаа ишларига муносиб амир (иморат, аморат)ни тайинлаш; ҳарбий сулҳ тузиш шартлари; қозилик (адлия) бошқармаси; “мазолим”, яъни мансабдорларнинг ваколат доирасидан чиқиб, адолатсизликка йўл қўйиши ва уларнинг зулмига қарши кураш; нақиблик (ижтимоий табақалар) бошқаруви; намоз/масжидларга имом тайинлаш; ҳаж ишларини бошқариш; садақот (закот) ишларини бошқариш/назорат қилиш; ўлжа ва ғанималарни тақсимлаш; жизъя ва хирож (солиғи)ни белгилаш шартлари; ҳукм (шарт)лари ихтилоф (фарқ)ли бўлган мамлакат (минтақа)лар ҳуқуқлари; ўлик, яъни қўриқ ерларни ўзлаштириш ва сув чиқариш; яйлов (ўтлоқ ер)лар ва ирфоқ (ёрдамчи хўжалик)лар; ҳисба ташкилотининг ҳукмлари; девонхона (қотибият, архив ишлари) таъсиси ва ҳукмларининг зикри; жарима (жиноят)ларнинг ҳукмлари (вазиятга кўра, ўрнатилган қонун-қоида асосида жиноятчиларни жазолаш усуллари, жиноят ва жазо ҳуқуқи); иқтоъ ҳукмлари (суви ва ота-бободан мерос қолган ер, иқтоъдор, чек ер эгалари, ширкат хўжалиги каби мулкларни хусусийлаштириш масаласига оид) қонун-қоидалар ва шартлар тизими, султонлик (давлат ерлари)ни хусусийлаштириш ва ҳоказолар.

“Аҳком” асари “аҳд ас-сунна ва-л-жамоа” маънасида оид давлатчилик манбалари, шариат аҳкомлари, давлатни бошқариш усул ва қоидаларининг тўлиқ тизимини қамраб олган. Қомусий асар сифатида унда марказлашган адолатли давлатни назарий ва амалий жиҳатдан қандай ташкил этиш, унинг бошқарувини кимга ишониш, раҳбарнинг ғамхўрлиги ва халқнинг итоаткорлиги каби масалалар баён этилган. У ўзидан олдинроқ яратилган давлатчилик анъаналарининг янгича талқинига

асосланган, замонавий тил билан айтганда, давлат ҳуқуқининг мукаммал мажмуасидир.

“Аҳком”нинг XI аср ва ундан кейинги даврлар мусулмон Шарқи давлатчилиги тарихини илмий-қийосий ўрганишдаги аҳамияти бениҳоя юксакдир. Унинг ёзилиш сабаби ва аҳамияти борасида муаллифнинг ўзи “...султоним илтимосига кўра, салтанат тузиш қонун-қоидалари, султон зиммасидаги вазифа ва ваколатларни бир тизим ва тартибга келтирдим...” дейди [5: 1].

Маълумки, аббосий ҳукмдорлар – Қодир Билоҳ ва унинг ўғли Қоим Биамриллоҳлар даври араб-мусулмон халифалигининг сиёсий, иқтисодий, молиявий, ҳарбий соҳаларда инқирозга юз тутган палласи саналади. Инқироздан чиқиб кетишда асос бўладиган дастуруламалнинг йўқлиги туфайли уни янгитдан ёзиш Мовардий зиммасига юкланган кўрилади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, “Ал-Аҳком ас-султонийя вал-вилоёт ад-динийя” асарининг дунёга келиши салтанат ишларини барқарорлаштириш дастурини яратиш учун ҳам дунёвий, ҳам диний бошқарув қоидаларини ўзида мужассамлаштирган лойиҳа сифатида амалга оширилган деган хулосага келиш мумкин.

Мовардийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига кўра, давлатнинг олий бошқарув органи – имомат, ижро ҳокимияти – вазорат (вазирликлар), суд ҳокимияти – қозилик, мазолим – ноҳақликка қарши курашувчи ташкилот, адлия бошқаруви ҳамда маъмурий муассасалардан иборат. Уларнинг барчаси салтанат ва мусулмон уммати, яъни халқнинг фаровонлиги ва манфаатига хизмат қилувчи давлат муассасалари бўлмоғи даркор. Давлат бошқаруви мансабларига мулозимларни танлаш, уларнинг маъмурлар сифатида ишга тайинланиши шартлари, мансабдорларнинг ҳисоботларини қабул қилиш, улар зиммасига юкланган вазифа, мажбурият ва ваколат кабиларни аниқ-тиниқ қилиб белгилашга китобда кенг ўрин ажратилган.

Мовардийнинг 437–450/1045–1058 йилларда яратилган “Аҳком” асарининг мусулмон Шарқи давлат бошқарувида тутган ўрни беқиёс бўлиб, у X–XI асрлардаги салтанат тузиш қонун-қоидалари ва давлат бошқаруви ҳуқуқига оид муҳим маълумотларни ўзида мужассам этган фундаментал манбадир. Китоб кейинги даврларда ушбу йўналишда ёзилган асарларга катта таъсир ўтказган. Бунинг исботини Абу Яълонинг “Ал-аҳком ас-султонийя” (“Султонлик ҳукмлари”), Низомулмулкнинг “Сийёсатнома” (“Сийёсат ҳақида китоб”), Бурҳонуддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” (“Тўғри йўл”), Бадриддин бин Жамоанинг (в. 733/ 1343) “Таҳрир ал-аҳком фи тадбири аҳд ал-ислом” (“Аҳд ислом (мусулмонлар)нинг тадбирида ҳукмларни қайта

кўриб чиқиш”) [6: 358; 383; 460], Амир Темурнинг “Тузуқлар”и, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Сулук ал-мулк” (“Подшоҳлар тутган йўл”) [7: 144; 207] каби асарларида кўриш мумкин.

Мовардийнинг “Адаб ад-дунё ва-д-дин” асари матнини нашр этган ливанлик тадқиқотчи Мустафо ас-Саққонинг хулосасига кўра, “Аҳком” асарида давлатнинг сиёсий бошқарувига тегишли ҳукмлар фикҳ илмига мутаносиб қонуният сифатида тавсифланган. Унгача бирон олим фикҳ илмига сиёсий мақом бермаган” [8: 512]. Унинг “Адаб ал-қози” асарини нашрга тайёрлаган ироқлик олим Муҳйи Хилол ас-Сарҳоннинг таъкидлашича, “шарқшунослар ўрта-сида ал-Мовардийнинг “Аҳком” асари машҳур бўлиб, давлатчиликка оид мавзуларни ўзида мужассам этган катта сиёсий аҳамиятга молик бундай асарни ислом маданияти тарихида унгача бирор киши ёзмаган. Кейинги даврлар олимлари ўз сиёсий-ҳуқуқий асарларини “Аҳком”дан кенг фойдаланган ҳолда яратилган” [9: 52].

Ҳ.Гибб Мовардий томонидан яратилган Шарқ давлат бошқаруви назарияси ҳақидаги таълимотга юксак баҳо берган. Унингча, “Мовардий давлат раҳбари томонидан қабул қилинган шариатга хос ҳуқуқий далилларни текшириб, давлат бошқаруви оид мансаблардан вазирлик, диний ишлар бошқаруви, мазолим, адлия, ҳарбий қўмондонлик кабиларни маъмурий бошқариш, назорат этиш имом (давлат бошлиғи – султон)нинг вазифаси эканини тушунтирган олимдир” [10: 291-302].

“Аҳком”нинг ноширларидан бири – кувайтлик олим Аҳмад ибн Муборак Бағдодийнинг фикрига кўра, “Мовардийнинг китоби ўз даври давлат бошқарувининг маънавий жиҳатлари, сиёсий-ҳуқуқий мезонлари ва жараёнларининг қандай кечганини ўрганишда қўл келади. Асарнинг яна бир аҳамияти шундаки, у мутахассис олимлардан ташқари, кенг омма ёки нисбатан тор доирадаги илм аҳлига қуръоншунослик, ҳадисшунослик, ижмоъ, қиёс, шариат ва араб тилининг луғавий-филологик муаммоларини ёритишда ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилади” [11: 390]. Шунингдек, Ҳенри М. Лауст (Henri M. Laoust) “Аҳком”ни “Ислом, мусулмон ҳуқуқига оид мукамал асарларнинг намунаси” деб тавсифлаган. Т.Г. Туманян таърифига кўра, Мовардийнинг “Ал-аҳком ас-султанийя”си Афлотун ва Арастулар асос солган перипатетизм¹¹ назарий мактабининг давоми сифатида яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, Мовардийнинг илмий мероси, хусусан, унинг “Аҳком” асари ҳамшиша илм аҳли, айниқса, мусулмон олимларининг диққат мар-

казида бўлиб келган. Бу фикрнинг исботи сифатида Абу Осим (ваф. 1068 й.), Абу Исҳоқ аш-Шерозий (ваф. 1253 й.) [12: 114; 110], Ибн Халдун (1132–1406 й.) [13, 1: 123], Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон (1455–1521 й.) каби алломаларнинг табақот, тарих, фикҳ ва сиёсатга бағишланган асарларини келтириш мумкин. Уларда Мовардийнинг давлатчилик ҳақидаги таълимоти сиёсий фикҳ илми тараққиётига қўшилган ҳисса сифатида баҳоланади.

Туркий султонлардан Маҳмуд Ғазнавий, Тўғрулбек, Маликшоҳ Салжуқий, Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар, Бухоро, Қўқон ва Хива хонлари “Аҳком”дан давлат бошқаруви ишларини ташкил этишда назарий ва амалий қўлланма сифатида фойдаланганлар.

Мовардий асарида баён этилган ғоялар аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шунинг учун ҳам унинг ўзбек тилидаги танқидий матнини яратиш ва нашр этиш долзарб илмий вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Arabische Handschriften des Instituts für den Osten der Akademie der Wissenschaften der UdSSR. Kurzer Katalog. № 1/ Под редакцией А.Б. Халидова. – М.: 1986.
2. T. C. Kültür ve turizm bakanlığı kütüphaneler ve yayımlar genel müdürlüğü türkiye yazmaları toplu kataloğu; The union catalogue of manuscripts in turkey. Başbakanlık basımevi – Ankara.1984.
3. Maximilianus Enger. Mawardis constitutiones politicae. – Bonn. 1853.; Ahkam-e Sultani Offentliches Rect im Islam von Mawardi//Prof. Mohammad Taghi Daeshpajouh, Persische Übersetzung von Hosseini-e Shafe’ii im 10. Jahrhundert (Hedschra) Manuskript bearbeitet und herausgegeben von M.T.Daneshpajuh-Tschangiz Pahlavan. Blatter für Kultur und Gesellschaft (3). Münster. – 2002. April. – 150 p. احكام السلطاني از ابوالحسن علي بن محمد بن حبيب ماوردي /ترجمه گونه به پارسى در سدهء دهم از قوام الدين يوسف بن حسن حسيني حسيني شافعي قاضي بغداد به كوشش محمد تقى دانش پژوه و چنگيز پهلوآن. – مونستر : آلمان. 1381/2002. فروردين Keyzer S. Mawardi’s publiek en administratief regt van den Islam. – Den Haag 1862.; Kont Leon Ostorogin. El-Ahkam Es-Sultaniya, Traite’ de Droit Public Musulman. – Paris, 1901; Ostorogin L. Les constitutiones politiques, trac.

¹¹ Араб перипатетизми – калом ва тасаввуф билан бир қаторда турадиган фалсафий йўналиш бўлиб, у антик фалсафий моделларни ривожлантирган.

et commente'es d'apres Les sources orientales. – Paris, 1900-1906; Kont Leon Ostorogin El-Ahka'm es-Soultha'niya: Traite de droit public musulman. – Paris. 1901-1906, 1925. – Bayrut. 1982.; Darlene R. May. Al-Ma'wardi's al-Ahka'm al-Sultaniyyah: A Partial Tranlation with Introduction and Annotations. – Indiana. Indiana University. – Bloomington. 1978. ; Wahba H. Wahba. The Ordinances of Government: A Translation of Al-Ahkam al-Sultaniyya. Reading 1996.; Abu'l-Hasan al-Mawardi. Al-ahkam as-sultaniyyah. The Laws of Islamic Governance/ Translated by Asadullah Yate PhD. Kalamullah. Com. Ta-Ha Publishers Ltd. 1 Wynne Road London SW9 0BB United Kingdom. – 381 P. – London. 1416/1996, 2001.

4. Edmond Fagnan, Les Statuts gouvernementaux, – Alger [Cazaair] 1915, 1984; – Paris 1982; Ebu'l-Hasan Habib el-Ma'verdis. El-Ahka'mu's-Sultaniye. Isla'mda Devlet ve Hilafet Hukuki. Çeviren: Ali Shafak. – İstanbul. 1396/1976, 1994. Bedir Yayinevi. – 504 v.; Kitobsunnat@gmail.com //www.KitobSunnat.com الأحكام السلطانية. تصنيف: امام أبو الحسن علي بن محمد بن حبيب البصري البغدادي الماوردي. (ت. 450 هـ). ترجمه مولوي سيد محمد ابراهيم. ترتب و نظر ثاني عبدالملك عرفاني. ائم اري عربي ائم اري علوم اسلاميه پبليشير: قانوني كتب خانه كچهري رود. لاهور. – 416 ص. : تصنيف: و الولايات الدينية الأحكام السلطانية أبو الحسن علي بن محمد بن حبيب الماوردي. (ت. 450 هـ) – مصر: شريك مكتبه و مطبعة: مصطفى الباني الحلبي: 1966; الأحكام السلطانية و الولايات الدينية تأليف أبو الحسن علي بن حبيب الماوردي (ت. 450 هـ) الناشر مكتبة 1992 م 327- ص. ... 1324 هـ, 1327 هـ, 1405 هـ/ 1985. 1992. الدار الكتب العلمية بيروت - لبنان. الأحكام السلطانية و الولايات الدينية تأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي. (ت. 450 هـ) الناشر مكتبة الدار الكتب العلمية بيروت - لبنان. : 1992 م 327- ص

الأحكام السلطانية و الولايات الدينية تأليف أبي الحسن علي بن محمد بن حبيب الماوردي. (ت. 450 هـ) تحقيقه لدكتور أحمد مبارك البغدادي. جامعة الكويت. قسم العلوم السياسية. الناشر مكتبة : دار ابن قتيبة. الكويت. 1989. – ص. 390

5. الأحكام السلطانية و الولايات الدينية تأليف أبو الحسن علي بن محمد بن حبيب الماوردي. (ت. 450 هـ) – ص. مовардий. Аҳком. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №7228. – 1- варақ; Мовардий. Аҳком. АН н ЎзМК қўлёзмаси, № 63.

6. بدر الدين بن جماعة، تحرير الاحكام في تدبير اهل الاسلام. تحقيق و دراة و تعليق الدكتور فؤاد عبد المنعم أحمد. رئيس المحاكم الشرعية و الشؤون الدينية بدولة

قطر. 1407/1987. المؤسسة الخليج للنشر و الطباعة-ص. 358; ابو يعلى الحنبلي: الاحكام السلطانية: – مصر 1938 – 292 خوجه ابو علي حسن ابن علي نظام الملك الطوسي: سياستنامه (سير الملوك) ناشر جعفر الشعار: – طهران 1998 – 383 ص ابو بكر محمد ابن احمد الحسين ابن عمر فخر الاسلام الشاشي: كتاب المستظهري المعروف بحلية العلماء في معرفة مذاهب الفقهاء (العلماء): دار الكتب المخطوط 265 – 460 . ص: ; برهان الدين المرغاني: الهداية في الفروع الفقهية. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №№ 13015, 10133, 10002, 5923, 3019/1, 1760, 2954.

7. Амир Темур. “Тузуқлар”//Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж; Б.Аҳмедов таҳрири. – Тошкент. 1991; فضل الله : سلوك الملوك : فضل الله ; ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3639.

8. الماوردي: ادب الدنيا و الدين : لأبي الحسن علي بن محمد بن حبيب البصري الماوردي المتوفي سنة 450 هـ: دار احياء العلوم: بيروت: قدم له و حققه الأستاذ مصطفى السقا : 1988 م-1408 هـ

9. ادب القاضي: تأليف ابي الحسن علي بن محمد بن حبيب الماوردي البصري الشافعي المتوفي سنة 450 هـ: -1 جوز: محي 1971 م – 1391 : مطبعة الارشاد- بغداد

10. Gibb H. Al-Mawardis Theory of Khalifat Islamic Culture. – Indiya, 1937.

11. الاحكام السلطانية و الولايات الدينية للماوردي : ناشر احمد مبارك البغدادي: كويت 1989

12. ابو العاصم محمد ابن احمد : طبقات الفقهاء الشافعية : – ليدين 1964 ; ابو اسحاق الشيرازي : طبقات فقهاء للشيرازي – طهران : 1913 ; ابن صلاح الشهري ورزي: طبقات ابن صلاح مكتبة الظاهرية مخطوط 71

13. Ibn Khaldun 'Abd al-Rahman ibn Muhammad. The History according Ibn Khaldun. Vol.1–2. Sayda; Bayrut: al-Maktaba al-'asriyya, 2007.

Zohidullo MUNAVVAROV,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар кафедраси мудири,
сиёсий фанлар доктори, профессори,

Ziyovuddin JO'RAYEV,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университет катта ўқитувчиси

